



Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 4 апрель, № 67 (4477) • Жума

ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАТО/СЕАП САММИТИДАГИ НУТҚИ

(2008 йил 3 апрель)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 апрель куни Бухарестда НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этди.



Бу ерда Евроатлантика ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлида қўл томонлама ҳамкорлик, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон 1994 йилдан буюн НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борада йўлга қўйилган алоқалар халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда, шунингдек, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотрафик, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби хавфсизликка янги таҳдид ва хатарларга, оммавий қиргин қуроллари тарқалишига қарши курашишга қўмақлашмоқда.

хотларни босқичма-босқич олиб бориш ва амалий самаралар беришига эришиш муҳим аҳамият касб этди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти саммит иштирокчиларини 1997-2001 йилларда БМТ қўмағида самарали фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича музокара жараёнини қайта тиклашга даъват этди. Ушбу мулоқот гуруҳи Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш бўйича ягона халқаро амалий механизм эди. Унинг доирасида қўл томонлама дипломатиянинг ноёб тажрибаси тўпланган, мазкур муаммо юзасидан умумий принцип ва ягона ёндашувлар ишлаб чиқилган эди. Аммо 2001 йилда халқаро коалиция томонидан террорчиликка қарши операция бошлангани муносабати билан мазкур гуруҳнинг фаолияти сусайди.

Ислам Каримов ҳозирги воқеликни ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси албатта иштирок этишини ҳисобга олган ҳолда, «6+2» гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантиришни таклиф этди. Шунинча бир бор таъкидлаш жоизки, хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Хавфсизлик ҳамкорлик орқали таъминланади, ҳамкорлик эса хавфсизлик таъминлангандагина ривожланади. Бу жиҳатдан Бухарест саммити қатнашчиларининг фикрлари раҳматли.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА махсус мухбири, Фарҳод ҚҮРБОНОВ олган сурат.

Муҳтарам Раис жаноблари! Хурматли давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар! Ижозатингиз билан Ўзбекистоннинг НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорлик истиқболлари, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида ўз қарашларимизга доир масалалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

НАТОнинг тобора сиёсий тузилма шаклини олаётгани бугунги кунда ҳақиқатга айланмоқда ва бу, ўз навбатида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши - СЕАПни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг яхши омилidir. Ушбу жараёнда мамлакатимизнинг истиқболда НАТО билан амалий ҳамкорлик дастури хавфсизликни таъминлаш ва муҳофаза қилиши, экология ва гуманитар соҳадаги тadbирлар билан бир қаторда демократик янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ва фуқаролик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро манфаатли бошқа йўналишларда ҳамкорликни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ядро ва бошқа турдаги оммавий қиргин қуролларини тарқатмаслик, халқаро терроризмга, наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳам-жиҳатликни мустаҳкамлаш масалалари, шубҳасиз, ҳамкорликнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши даркор. Фуқаролик билан ҳамкорлик, Ўзбекистон НАТО билан Нохарбий юкларни ўз худуди Термиз-Хайратон чегара узели орқали етказиб бериш коридори ва транзитини таъминлаш тўғрисидаги битимни муҳокама қилиш ва имзолашга тайёр эканини айтиш мумкин. Бу Афғонистон билан боғлиқ ягона темир йўлдир. Бунда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва қонунийлигини таъминлаш бўйича суверен манфаатларига риоя қилиниши лозим.

Бўлажак битимга жорий йилнинг 4 мартда Ўзбекистон билан Германия ўртасида имзоланган Бундесвер юкларини мамлакатимиз худудини темир йўл орқали ташиниш бўйича келишувни асос қилиб олиш мумкин.

Биз Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўлган Марказий Осиё минтақасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳаётий муҳим муаммоларни ечиш учун катта имкониятлар очиб берадиган хавфсизликнинг ҳал қилувчи омил эканини яхши англаймиз.

Бундан бошқа йўл йўқ. Негаки, ушбу мамлакатда зиддиятларнинг кучайиб бориши, кескинлик ва терроризм қўламининг кенгайиши глобал хавфсизлик ва халқаро барқарорлик учун жиддий таҳдид соломқода.

Биз куйидаги вазифаларнинг амалга оширилиши Афғонистондаги вазиятга ихобий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан - ғоят муҳим ҳаётий ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни, аҳоли бандлиги, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал этишни таъминлаш ниҳоятда устувор аҳамиятга эга.

Бунда биз энг асосий вазифа -

аҳолининг халқаро коалиция кучларига бўлган ишончини қозониш йўлини қўра-миз.

Айни пайтда буларнинг барчаси жангариларни молиялашнинг асосий манбаи бўлмиш наркотиклар ишлаб чиқариш ва етказиб беришга қарши курашиш муаммосини ҳал этишда кучли омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Иккинчидан - кўпмиллатли Афғонистон халқининг аънавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, ҳам сонли миллатлар манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

Нафақат Афғонистон, балки бутун му-сулмон оламида тоқат қилиб бўлмайдиган вазият ва кескинликка сабаб бўлаётган ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймаслик даркор.

Учинчидан - давлат ва жамяят қурилиши, фуқаролик институтларини шакллантириш борасида ислохотларнинг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилишини таъминлаш жуда муҳимдир. Бунда, биринчи навбатда, Афғонистонда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий фаровонликка эришиш ислохотлар муваффақиятининг муҳим қафолати эканини эътиборга олиш зарур.

Тўртинчидан - қўшни Покистон раҳбарияти ва ҳукумати билан биргаликда чегара муаммоларини, аввало Вазиристон худудиди, ҳал этиш Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун муҳим аҳамият касб этди.

Бешинчидан - 1997-2001 йилларда БМТ қўмағида самарали фаолият кўрсатган, Афғонистон билан қўшни давлатлар, Америка Қўшма Штатлари ва Россиянинг ваколатли вакилларидан ташкил топган «6+2» мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича музокаралар жараёнини қайта тиклаш мақсадида мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Ушбу мулоқот гуруҳи томонидан БМТ шафелигида Афғонистон муаммосини ҳал этиш юзасидан гуруҳга аъзо давлатларнинг умумий принциплари ва ягона ёндашувлари ишлаб чиқилди, 1999 йил июлда Тошкентда қарама-қарши томонларнинг учрашуви ташкил этилди ва ўтказилди, «Афғонистондаги зиддиятни бартараф этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги Тошкент декларацияси қабул қилинди. БМТ Хавфсизлик кенгаши Тошкент учрашуви якунларини афғон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этиш йўлидаги муҳим қадам сифатида эътироф этди ва ушбу декларация асосида тегишли қарор қабул қилди.

2001 йилгача фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, «6+2»ни «6+3» гуруҳига айлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Барча манфаатдор томонлар ишти-рокида Афғонистон бўйича кенг қамровли режани ишлаб чиқишда ушбу таклифларни эътиборга олиш Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш жараёнига ихобий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ўйлайман.

нинг яхши омилidir". Давлатимиз раҳбари НАТО билан амалий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини қайд этди.

Президент Ислам Каримов саммит қатнашчиларини кенг қўламли халқаро ҳамкорликка, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида аниқ амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга чакурди. Бугунги кунда халқаро ташкилотлар ва айрим

мамлакатлар ушбу йўналишда муайян ишларни амалга ошир-моқда. Бироқ бу ҳали етарли эмас. Афғонистон жаҳон жа-мяияти учун ҳали-ҳануз таҳ-дидлар уюғи бўлиб қолмоқда. Аслини олганда, ҳеч бир ми-н-тақа ёки мамлакат ўзини тер-роризм хавфидан бутунлай холи, деб ҳисоблай бўлмайди. Ушбу бало-қазо бирон бир ми-н-тақа ёхуд мамлакатга ки-риб бормаслигига ҳеч ким ка-фолат бера олмайд.

Президент Ислам Каримов Афғонистонда фақат ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини доимо таъкид-лаб келади. Дарҳақиқат, 50 йилдан буюн тинчлик нимали-гини билмай келаётган мам-ла-катда қурол билан барқарор-лик ўрнатиб бўлмайди. Бунда аҳолини қуролсизлантириш, тинч ҳаётга йўналтириш, одам-ларда бунёдкорлик ҳисосини уй-ғотиш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, исло-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақи равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган, халқимизнинг гурур-ифтихори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида ва иқтисодий-сиёсий ҳаётий-мишаридаги ўрни ва аҳамияти беқиёс-дир.

Қадимдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келадиган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва маънавияти муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида:

1. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2007 йил 2 ноябрдаги 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ва юбилей тадбирларида ЮНЕСКОнинг иштирокини ҳақиқатда қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ихобий уюшмалар ва кенг жамоатчилигининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини 2009 йилнинг май ойида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва юбилей тадбирларини ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби 1-иловага, комплекс чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идо-

Дехли шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг ахборот технологиялари йўналишидаги ишчи гуруҳи мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон-Ҳиндистон: АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗАРО АЛОҚА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ҳиндистон Республикаси алоқа ва ахборот технологиялари вазирлиги мутахассислари, шунингдек, икки мамлакатнинг ушбу соҳада фаолият юритаётган етакчи компаниялари вакиллари ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболларини муҳокама этди. Ҳукуматлараро комиссиянинг 2007 йил Тошкентда бўлиб ўтган 7-мажлисида қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек, жорий йилда ўтказилиши режалаштирилган навбатдаги мажлис кун тартибига киритиш учун амалий таклифлар тай-

ёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Биз ва жаҳон

Айтиш жоизки, ахборот технологиялари бугунги кунда мамлакатларимиз ҳамкорлиги қўла-мида салмоқли ўринни эгаллаб бораёпти. Ҳар йили Ҳиндистон ҳукумати грантлари асосида ўзбекистонлик 120 нафар мутахассис Дехли-да ҳамда ушбу мамла-катнинг бошқа шаҳар-ларида ахборот техно-

логиялари курсларида ўқиб қайтишди. Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Жавахарлал Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари марказида 2006 йилдан буюн беш юздан ортиқ мутахассис тахсил олди. Уларга Ҳиндистоннинг ну-фузли CDAC компанияси халқаро сертификатлари топширилди.

(Давоми 2-бетда).




Баркамол авлод: ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНАЁТГАН ОРЗУ

«Агар келажакимизни ўйлаб иш қилмоқчи бўлсан, келажакда иш-имизни давом эттирадиган бугунги ёшларимизга шароит яратиб, уларнинг ҳаёти ҳақда қайғурадиган бўлсан, аввало, маҳаллий ёшларни тарбиялаш ишига муносабатимизни мутлақо ўзгартиришимиз керак... Иқтисодимизни, ҳаётиямизни ўзгартириш ана шуларга боғлиқ. Агар шунини қилмасан, бу юришимизда катта йўлга чиқishiмиз қийин бўлади.


Айтиш керакки, кадрларни ҳар томонлама етук қилиб тайёрла-масдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб-қувватламасдан, ўйлайманки бирон-бир соҳада аҳолини ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди».

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).



Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банк тизими катта йўлни босиб ўтди. У мамлакат молия тизимини қарор топтириш борасидаги муаммоларни муваффақиятли бартараф этиб, иқтисодийта инвестицияларни жалб қилиш, ҳукуматнинг ижтимоий дастурларини рўйбга чиқаришда салмоқли ишларни амалга оширди. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам фаол қатнашмоқда. Ушбу банкнинг даромадлилик даражаси катталиги, аини пайтда ўзининг кредит ҳамда тижорат фаолиятида оқилона сиёсат юритиши, аиниқса, унга кейинги беш йил мобайнида BIS рейтинг буйича жаҳоннинг энг ишончли банклари орасида етакчи мавқени эгаллаб туриш имконини берди.



Миллий банк: АҲОЛИ ИШОНЧИ — МУВАФФАҚИЯТ КАФОЛАТИ



Бугунги кунда республикамизнинг энг йирик универсал банки ҳисобланувчи Миллий банкнинг 93 та филиали ва бўлими барча иқтисодий муҳим ҳудудларда жойлашган бўлиб, улар 1,5 миллиондан кўпроқ корпоратив ва хусусий миқозларга кенг доирада хизматлар кўрсатмоқдалар.

кин. Банк эса одамлар ўз пуллари учун ташиш чекмаслиги ҳамда бўш пул маблағларини «Уммиллий банк»даги депозит ҳисобварақларида сақлашни афзал кўришидан манфаатдордир.

Банк муассасаларида биргина миллий валютадаги депозитларнинг ўн уч тури амал қилмоқда. Улар буйича йиллик 14 фоиздан 30 фоизгача ҳажмда даромад тўланмоқда. Шунингдек, хорижий валютадаги 15 хил депозит тури ҳам мавжуд бўлиб, уларда йиллик 10 фоизгача даромад тўланади. Омонатларни сақлаш муддатлари эса — 1 ойдан 3 йилгача. Шу билан бирга, хорижий валютадаги омонатларга пул

ридан бири ҳисобланади. Бунга эса, фақат танланган банкнинг ишончилиги ва барқарорлиги эмас,




қонунийлиги ҳақидаги турли ҳужжатлар ва маълумотномаларни ҳамда банк сир ҳисобланувчи бошқа маълумотларни сўраш тақиқланган. Бундай сўровномалар юбориш банкларгагина эмас, аини пайтда ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ ва бошқа назорат органларига ҳам ман этилган. Омонатчилар пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари тўғрисида маълумотномалар ва бошқа ахборот тақдим этиши ҳақида қўйилган ҳар қандай талаблар ноқонуний ҳисобланади.

Президент Фармони талабларини изоҳлаш мақсадида Миллий банкнинг барча бўлим ва филиалларида буйруқлар чиқарилиб, миқозларнинг ҳар қандай саволларига тезда жавоб қайтариши керак бўлган малакали масъул ходимлар белгиланган ҳамда «Ишонч телефонлари» ўрнатилган.

Бундан ташқари, банк Фармон асосида шу йил 1 апрелдан эътиборан қўшимча равишда хорижий валютадаги тўртта муддатли омонатни жорий этди. АҚШ доллари ва еврода маблағлар қўйиладиган, эгаси курсатилмайдиган бу омонатларда пул маблағларини сақлаш муддатлари 6 ва 9 ойни ташкил этади.

Омонатларнинг шартларини мақбуллаштириш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, уларнинг сифатини ошириш йўлида банк томонидан олиб борилаётган аниқ мақсадли ишлар депозитлар ҳажмининг ўсиши ва хизмат кўрсатилаётган миқозлар сонининг кўпайишига ёрдам бермоқда. Бу эса, фуқаролар Миллий банкка уларнинг маблағларидан иқтисодийни ривожлантириш ёки ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун фойдаланаётган ҳамда бу пуллар қайтарилиши ва фойзалари туламини кафолатлаётган муассаса сифатида қараётгани, бу уларнинг нафақат Миллий банкка, балки бутун давлатга халқнинг ишончи органидан далолат беради.

Омонатчилар сони ҳамда миллий ва хорижий валюталарда жисмоний шахсларнинг депозитларига жалб этилган маблағлар ҳажми динамикаси



Аниқроқ қилиб айтганда, у фақат жисмоний шахсларга чакана хизматларнинг 70 дан зиёд турини тақдим этмоқда. Хар хил омонат турларини очиб, истемол ва ипотека кредитлари бериш, ҳисоб-китоб-касса хизматлари кўрсатиш, пул жўнатиш, валюта айирбошлаш, йул чекларини сотиш, сўмдаги ва халқаро банк карточкаларига асосланган маҳсулотлар муомаласи шулар сирасига қиради. Энг замонавий технологияларни доимий равишда ривожлантириш, жорий этиш ҳамда янги хизмат турларини тақдир қилиш эса банкнинг хусусий омонатлар ва аҳолининг жалб этилган маблағлари буйича мамлакат молия бозорида шак-шубҳасиз етакчилик қилаётган молия муассасалари сафига қўшилишига имконият яратди.

Сўнгги уч йил ичида миллий ва хорижий валюталардаги депозитларнинг сўм эквивалентдаги ҳажми 127 миллиард сўмдан 224 миллиард сўмга етгани бунинг ёрқин ифодасидир. Республика аҳолиси барча омонатларнинг 25 фоизи миқдоридан пул маблағла-

Фармон ва ижро

маблағлари АҚШ доллари ва еврода ҳам қабул қилинади. Бу омонатлар эгаси курсатилмайдиган шаклда ҳам, эгаси курсатилмайдиган қилиб ҳам очилиши мумкин.

Республика Президенти томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда банк 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар учун миллий валютадаги «Камолот» омонатини, «Наврўз» байрами муносабати билан миллий валютадаги «Қўлдам» янги омонатини жорий этди.

Аҳоли учун қўлайлиқлар яратиш мақсадида жисмоний шахсларга миллий валютадаги янги омонат тури — «Хотиржамлик» депозити тақдир этилди. Бу омонат буйича у очилган вақтда бўнақ тарзида қўйиладиган даромад нақдсиз шаклда коммунал ва бошқа хизматлар ҳақини тўлашга йўналтирилади. Шунингдек, банк томонидан болалар учун келгусида муайян моддий база яратиш имконини берадиган «Келахак» болалар омонатига маблағлар қабул қилинмоқда.

Одамларнинг тижорат банкларига ишончини мустақкамлаш банк тизимининг асосий вазифалари

«Ишонч телефонлари» рақамлари (коди)

1.	Миллий банк, Бош офис	8 (371) 234-14-14
2.	Андижон бўлими	8 (374) 224-09-81
3.	Бухоро бўлими	8 (365) 224-45-88
4.	Жиззах бўлими	8 (372) 222-38-28
5.	Қарши бўлими	8 (371) 141-65-66
6.	Навоий бўлими	8 (371) 120-23-85
7.	Қорақалпоғистон бўлими	8 (361) 780-00-13, 141-70-13
8.	Сирдарё бўлими	8 (367) 224-35-95
9.	Самарқанд вилояти бўлими	8 (366) 233-35-95
10.	Термиз бўлими	8 (222) 222-84-19
11.	Тошкент шаҳри буйича Бош амалиёт бўлими	8 (371) 232-03-90
12.	Марказий амалиёт бўлими	8 (371) 235-77-74
13.	Амалиёт бошқармаси	8 (371) 244-35-05
14.	Тошкент вилояти бўлими	8 (371) 252-77-13
15.	Урганч бўлими	8 (362) 226-26-44
		8 (362) 224-35-84
		8 (362) 226-45-44
		8 (362) 226-43-60
		8 (373) 224-85-27
		8 (369) 226-57-82

Алоҳида ҳолда ИСИТИШНИНГ ЯНГИЧА ЕЧИМИ Газда ишлайдиган АҚОГ иситиш конвектори:

- хонани тезда иситади;
- белгиланган ҳароратни автоматик равишда бир маромда сақлайди;
- совуққа чидамли, сув, электр таъминоти ва газ босими ўзгариши унга таъсир кўрсатмайди;
- газни тежаб сарфлайди;
- бинолар, коттеждлар, дала ҳовлисидаги уйларни иситишда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Ишлаб чиқарувчидан арзон нархларда тўғридан-тўғри етказиб берилади. Етказиб бериладиган маҳсулот сертификатланади.

Тошкентдаги телефон: 242-84-64, тел./факс: 242-93-73. E-mail: ubcazia@rambler.ru

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРИНИМАЕТ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ И ПЛАСТМАССОВЫЕ ОТХОДЫ

Хамзинский р-н - тел. 301-90-84
Чиланзарский р-н - тел. 253-90-08

ПУНКТЫ ПРИЕМА:

302-16-90, 454-45-75 Круглосуточно

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамаси ҳузуридаги ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚўМИТАСИ

фундаментал тадқиқотлар соҳасида ташаббускор ёш олимлар илмий лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги йўналишлар буйича **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- математика, механика ва информатика;
- физика ва астрономия;
- кимё, биология ва тиббиёт;
- қишлоқ хўжалиги;
- машинасозлик ва энергетика;
- ер тўғрисидаги фанлар;
- бозор иқтисодиёти, давлат ва ҳуқуқ назарияси;
- ижтимоий-гуманитар фанлар.

Танловни ўтказишдан мақсад иқтидорли ёш олимларнинг табиат ва жамиятнинг янги қонуниятлари ҳамда ҳодисаларини ўрганишга йўналтирилган юқори савияли фундаментал тадқиқотларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Танловда илмий даражаси, унвони, иш жойи ва лавозимидан қатъи назар 35 ёшгача бўлган барча ёш олим ва мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Лойиҳани бажаришга жалб этиладиган ижрочиларнинг ёши ҳам 35 ёшдан ошмаслиги керак.

Танловга қўллажак илмий натижалари эксперт томонидан баҳолай олинмаган, ҳал этилиши мўлжалланган фундаментал муаммо аниқ кўрсатилган (2 йилга мўлжалланган) лойиҳалар қабул қилинади.

Танловга тегишли барча зарур маълумотлар, лойиҳаларни расмийлаштириш тартиби ва асосий қоидалари билан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларида танишиш мумкин.

Танловга илмий лойиҳалар тегишли вазирлик ва идоралар орқали тақдим этилиши лозим.

Лойиҳалар Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасида (126-хона) матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб 2008 йил 30 апрелгача шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 14:00 дан 18:00 гача (100000, Тошкент ш. Я. Ғулумов к., 70-уй) қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 233-69-23, 232-20-68, 232-20-67.

«ТТЗ-МЕТАЛЛ» ҚўШМА КОРХОНАСИ

корхонада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникалари ва металлопрокатни тақдир этилади.

Тошкент шаҳрида жойлашган «ТТЗ-Metall» қўшма корхонаси турли қишлоқ хўжалик юкларини ташиш учун мўлжалланган тўрт (сеткали) ва текис ўрнатма бортли трактор, самосвал тиркамалари, бир ўқли ярим тиркамалар ишлаб чиқаради. Шунингдек, қўшма тиркамалар учун ўрнатма бортлар, осма куроллар — бортлар («БЭТХ 000 СБ») плуг («ПН-2-30»), икки корпусли, «ПН-3.35.000» (уч корпусли) тайёрлади. Арзон нархларда тиркамаларни таъмирлайди ва техник ёрдам кўрсатади.

«ТТЗ-80-10» негизда «ЭО-2621 В-3» экскаваторлар (айланма синхрон куракли ва бульдозер ағдаргичли (ағдариш кенглиги — 2000 мм.) унча катта бўлмаган кинематик қавлаш чуқурлиги — 4,15 метр). Сотилиш нархи — 42 800 000 сўм.

Қишлоқ хўжалик объектларида юклаш-тушириш, монтаж ва транспорт ишларини бажариш учун мўлжалланган «ТТЗ-80-10» тракторлари шассиси негизда ўқли, гидравлик, осма «ОПТ 9195» махсус монтажи кўтаргичлар. Сотилиш нархи — 41 600 000 сўм.

«ТТЗ-Metall» ҚК буюртмачи эскизи буйича металл панжара ва ностандарт ускуналарни тайёрлаб беришни тақдир қилади.

Материал номи	Баҳоси (минг сўм)
Лист 0,5x600x2000 65г	2600
Лист 1,0x1000x2000 65г	2350
Лист 1,5x6000x2000 65г	2350
Даугавр 550x220	1400

Нархлар келишилган, иш ҳажмига қараб ўзгаририлиши мумкин.

Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 434. Тел./факс: 261-38-30, 261-33-41. E-mail: ttz-metall@rambler.ru

ООО «Росагропромснаб» предлагаєт:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»

СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ-М

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв. 6, д. 2 (Орр — метро «М. Улугбек») Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

Товар сертифицирован

САНТЕХНИКА

Товар сертифицирован

(Унитазы: 85 000 сум - б/н, 80 000 сум - за налич.)
(Умывальники: 55 000 сум - б/н, 50 000 сум - за налич.)

В КОМПЛЕКТЕ

ЛИНОЛЕУМ

БОЛЕЕ 10 РАСЦВЕТОВ

Производство — Россия (5500 сум - б/н, 4500 сум - за налич.)

ПЛИТКА

РАЗМЕРЫ: 33x33, 33x15, 33x10см ОБЛИЦОВОЧНАЯ

ВСЯ ПРОДУКЦИЯ ИЗ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТОГО МАТЕРИАЛА

Тел.: (+99898) 301-90-84 (круглосуточно), 302-16-90, 233-15-77, 233-14-42, 294-51-00, 280-5540/41/42

МАДАНИЯТ

Хабарлари

Жаҳон эътиборидаги рессом

Тошкент Фотосуратлар уйида таниқли карикатурачи-рессом Махмуджон Эшонқуловнинг "Кулги ва ҳазил кунин"га бағишланган шахсий кўргазмаси очилди. Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси томонидан ташкил этилган мажмура кўргазмада ижодкорнинг энг сара асарлари намоиш этилмоқда.

Махмуджон Эшонқуловнинг карикатуралари таъриф бериш мушкул, — дейди кўргазма очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шoirи Анвар Обиджон. — Чунки уларда фарқларда санъаткорлик ҳамда тоғирлик мўҳассас. Бундай суратлари, улар замиридаги мўҳассас ва ташвишларни ҳажвий ва бошқа асарларда ёритишнинг илҳами йўқ. Мазкур асарлардан ҳосил бўлган кулги кўнглини губорлардан тоза-лаб, ён-атрофга эйрақ назар ташлашга ундайд.

Ижодкор 250 дан ортик миллий ва халқаро карикатура кўргазмаларида муваффақиятли иштирок этиб, 48 марта бошқарилини кўлга киритган. Эътиборлиси, муаллифининг санъати рўминялик мўҳассаслар томонидан юксак баҳолаб, "Дунёнинг 100 нафар буюк карикатурачи-рессоми" рўйхатига киритилган.

Дилмурод СОДИҚОВ.

Саҳнадаги беллашув

Наманган санъат коллежида "Ёш ижодчилар" кўрик-танловининг вилоят босқичи беллашувлари бўлиб ўтди.

Унда болалар мусиқа мактабларининг халқ чолғу асбоблари ва анъанавий хонандлик бўлимларида тахсил олаётган ўқувчилар иштирок этиди.

Най, қашқар рубоби, рубоб-прима ижроси, доира, дучор, чанг, бас, баян ижодчилиги сингари йўналишлар бўйича голиб бўлган Чуст, Чортоқ, Тўрақўрғон туманлари ҳамда Наманган шаҳри вакиллари танловнинг республика босқичига йўналма олишди.

Мухтасар ҚАРИМОВА.

«Ёшлик гулшани»

Урганч шаҳридаги Санъат гимназиясида вилоятдаги коллежлар талаба қизлари ўртасида «Ёшлик гулшани» танлови ўтказилди.

Фан ва таълим ходимлари касбаба уюшмаси ташкилоти вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу танловда шаҳар ва туман босқичларида голиб бўлган ўн бир нафар иштирокчи қиз спорт, санъат, пазандчилик каби 6 та йўналиш бўйича беллашдилар.

Ғолибликни кўлга киритган Урганч шаҳар ахборот технологиялари коллежи талабаси Муҳайё Ёқубова қимматбаҳо совға ва диплом билан тақдирланди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

«Чўққини кўзлаш» деган иборани шунчаки ҳаёл ёки орзу-ният ёхуд қатъий интилиш маъноларида тушуна бўлар. Сурхондарё вилояти вакиллари «Баркамол авлод» мусобақаларига ҳамisha ҳам чўққиларни кўзлагандай бўлиб шайланишган. Бирок ҳатто «ўнлик» гуруҳига ҳам яқинлаша олмаган.

ТОҚҚА ЧИҚҚАН ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАР



— Бирок бундан бизнинг кўнглимиз чўққани йўқ, — дейди вилоят ҳокими ўрта махсус касб-хўна таълими бошқармасининг ўқув-спорт тадбирлари бўйича бўлими бошлиғи Саломат Жўрақулова. — Аксинча, муаммоларимизга бугунги дастурларимиз учун сабоқ тариқасида қарадик. Спорт чемпионоларни бир томон маълумларни иккинчи томонга ақрайтиш ўзини эмас. Спорт унинг самарасидан ҳаммага — бутун элга манфаат етарадиган, тану динли мусоффо қиладиган чинкиш мактаби.

Саломат оланинг фикрича, галдаги масъулиятли мусобақада иштирокчиларни танлаш, фақат улар билан ишлаш йўсинида эмас, балки спортнинг икхтимой аҳамияти нуқтаи назардан туриб тайёрларлик кўришмоқда.

Ана шунинг учун ҳам кейинги уч йилда академик лицей ва коллежларда спорт турлари бўйича секциялар икки баравар кўпайтирилди. Жами ўқувчиларнинг учдан бир қисмига яқини — 21214 нафари мазкур тўғрақларга жалб этилди. Бу тадбирлардан олдин 79 ўқув муассасасидаги жами жисмоний тарбия ўқувчилари малакаси қайта кўриб чиқилди. Уларнинг олдида ўрнатилган сақраш тўсиғи «планка» баландроққа кўчирилди. «Алпомиш» ва

«Барчиной» тест синовлари расмиётчилик ва парташшиқлардан холилаштирилди.

— Жисмоний тарбия дарсларига биз ўзбек халқ ижодиёти қарамонлари ҳаётдан лавҳалар сўзлаб бериш таҳрибаларини ўйғулаштирдик. Бу, билсангиз, кутилганидан зиёда самара берапти. Ахир ҳар қанақа беллашувда инсоннинг гурури, ўзига ишончи, атрофдагилар олдидаги масъулияти, ори ҳал ҳўқили омил бўлади, — дейди Шўрчидаги қишлоқ ҳўқалиқ касб-хўна коллежи директори Курбон Эшмуродов.

Яна бир қанча ўқув муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларини халқ ўйинлари билан боғлаб олиб бериш йўлга қўйилди. Спорт тўғрақлари га ўз маҳалларидан чиққан номдор полволлар, унга шамақчилар таклиф этилди. Судда сузиш, энгил атлетика билан шугулланиш учун шарт-шароитлар яшиланди. Машғулот хоналари янгица — замонавий анқомлар билан бойитилди. Шу юмушлар ҳосиласи бўлиб тизим вакиллари нуфузли беллашувларда ярқ этиб кўзга ташлана бошладилар. Жумладан, Сетора Ҳамидова яқинда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси очик кубоғи ва биринчилиги беллашувларида чемпиоликни кўлга киритиб, кубок эгаси бўлди. Фахриддин Ҳамроев, Павел Холодов, Анжела Кузкова, Кристина Адамбоева, Ботир Қобилов, Юсуф Маманоров сингари ўнлаб ўсимлар бугун баледа чўққилар сари дадил интилаётганлиқларини намоиш қилмоқдалар.

— Омад ё омадсизлик деганлари спортда баҳона изловчиларнинг галлари, — дейди Саломат Жўрақулова. — Мусобақанинг икки мезони бор: галаба ёки мағлубият. «Баркамол авлод — 2008» биз учун бурилиш марраси бўлади. Беллашувга ҳозирлик қўраётган 150 нафар ўқувчиларнинг ҳаммаси шу фикрда. Камидо кўчи белликлдан ўрин эгаллаш имкониятимиз бор. Бугунги тайёрликларимиз ана шу имкониятни юзага олиб чиқишга қаратилган.

Олижон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЁШ ЧАВАНДОЗЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Жиззаҳ отчопарида 16-18 ёшли ўсим-ёшлар ўртасида улук-кўпкари бўйича республика чемпиоати бўлиб ўтди.

Мусобақаларда вилоятлардан келган 10 та жамoa икки гуруҳга бўлиниб ўзаро кўч синашди. Финалда беллашши Жиззаҳ ҳамда Тошкент вилоятлари вакиллари ғолиб бўлишди. Унда мезонлар 1:0 ҳисобида галаба қозониб, чемпионатнинг олтин медалларига сазовор бўлишди. Тошкент вилояти полволлари қумуш, Самарқанд ва Фаргона вилоятлари ёш чавандозлари эса бронза медаллари билан тақдирландилар.

Ғолибларга Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Олтин медал совриндорлари республика Жисмоний тарбия институтига имтиёзли кириш имкониятига ҳам эга бўдилар.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бундан уч йил муқаддам пойтахти-миздаги МҲСК мажмуаси базасида миллий спортимиз — курашни ёшлар ўртасида янада ривожлантириш мақсадида «Пахлавон» клуби ташкил этилган эди.

Утган йилда давр мобайнида Халқ таълими вазирлиги ҳўзуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда курашни омалаштириш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда мазкур спорт клубининг Навоий, Бухоро, Сирдарё, Фаргона, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бўлимларида минглаб болалар кураш сир-асоратларини ўрганишмоқда.

Кўна кеча Фаргона вилоятининг Олтиариқ туманида Халқ таълими вазирлиги ҳўзуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Пахлавон» клуби соврини учун ташкил этилган мусобақа ҳам қатнаш кўраш байрамига айланган кетди. Унда мамлакатимизнинг турли ҳўудларидан келган 1991-1995 йилларда турилган 200 нафардан ортик ўсим голиблик учун йилгама чикди. Беллашув яқинида Фаргона вилояти полволлари умумжамаoa ҳисобида биринчи ўринни кўлга киритдилар. Тошкент шаҳри курашчилари иккинчи, Тошкент вилояти вакиллари эса учинчи ўриндан қўч олдилар.

— Айниқса, Асадбек Қосимов, Холбек Мардонов, Фарход Йўлдошев, Шоҳиста Махмуджонова, Шаҳло Эшназарова сингари икхтимой ёш курашчиларнинг олишувлари кўпчилиққа маъқул бўлди, — дейди «Пахлавон» спорт клуби раҳбари, Ўзбекистон кураш миллий федерацияси раҳбари хайити раиси Олим Ҳайитов. — Келажакда клуб соврини учун Марказий Осиё биринчилигини ҳам ўтказоқчимиз. Бугунги ёшлар орасидан келгусида юртимиз шарфини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган полволлар этишиб чиқиши шўҳасиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фаргона вилояти филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2008 йил 2 ва 6 май кунини соат 15.00 да «Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган кўйидаги мулклар қайта қўйилмоқда:

- 1. Суд ижрочиларининг Куवासой шаҳар бўлими томонидан Фаргона вилояти ҳўжалик судининг 2007 йил 16 мартдаги 15-05-05-629-сонли ижро ҳўжжати га асосан рўйхатга олинган, Куवासой шаҳри, А. Навоий кўчасида жойлашган «73-автокўрхона»га қарашли автошўҳбекати бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 56 850 912 сўми.
2. Суд ижрочиларининг Кува тумани бўлими томонидан Фаргона вилояти ҳўжалик судининг 2007 йил 19 февралдаги 15-06-09/1012-сонли ижро ҳўжжати га асосан рўйхатга олинган, Кува тумани, Қушкечик қишлоғида жойлашган «Кува МТП» АЖга қарашли, ушбу манзилда сақланаётган «Кейс 216Б» русумли комбайн (1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 22-38 ЭЗ, завод рақами 183654). Бошланғич баҳоси — 71 843 000 сўм.

Мулклар 2008 йил 2 майдаги савдода сотилмай қолса, савдолар 6, 13, 16, 20 май кунлари давом этади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориди закатал пулини кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000304234776002, АТ «Ипотека банк» Фаргона филиали, МҲО 00544.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ҳўжжатлар тақдим этиш юзасидан ва қўшимча савдолар бўйича кўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фаргона филиали, Фаргона шаҳри, А. Навоий кўчаси, 47-«А» уй, 2-хона. Телефонлар: 226-45-48, 226-95-98. Лицензия серияси ДВ 001 № 000010

РЕСПУБЛИКА КўП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ОЧИК АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

2008 йил 16 апрель кунини соат 11.00 да Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг савдо залида объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Суд ижрочилари Урганч тумани бўлими томонидан савдога қўйилган «SAM LARK KARPET» қўшма корхонасига қарашли:

- а) тўқув дастгоҳи, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 16 233 750 сўм;
б) тўқув дастгоҳи, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 16 212 285 сўм;
в) елим суртши машинаси, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 62 032 500 сўм;
г) қирқиш машинаси, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 62 032 500 сўм;
д) қирқиш машинаси, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 6 970 620 сўм;
е) қирқиш машинаси, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 10 372 635 сўм;
ё) гиламлар ҳошияларини елимлайдиган машина-пресс, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 10 372 635 сўм.

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг тақрорий савдоси 2008 йил 2 май кунини соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган харидорлар Республика кўптармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг х/б 20208000404460401001, МҲО 00317, СТИР 206074208, АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд вилояти минтақавий филиалига объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориди закатал пулларини тўлашлари лозим. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш аукцион савдосига 1 кун қолганда тўхтатилади.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улўғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 3-хона. Телефонлар: 234-06-38, 243-94-14, 743-93-31.

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида ўтказилаётган ислохотлар бугунги кунга келиб ўз самарасини бермоқда. Президентимизнинг бевосита ташаббуслари асосида ҳаётга татбиқ этилаётган исчи янгилашлар эл саломатлигини тубдан яхшилаш ва ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишидек, улўғвор мақсадларга йўналтирилган.

Жомашўй шаҳарчасидаги сил касаллиқлари диспансери ҳам ана шундай ўзгаришлар бос кейинги йилларда Наманганда энг намунали шифо маканларидан бирига айланди. Сўхбатимиз мавзуи шу ҳақда кетганда, вилоят силга қарши кураш диспансери бош врач Абдумал Раҳматуллаев ҳам кўнглидаги гапни айтди. «Бугун асосий сабаби шукки, бинда юксак малакали, бир ёқдан бош чиқариб ишловчи мукамал жамoa шаклланди. Абдуқоҳор Турдиев, Исроқон Кўчманов, Обиджон Ёшиқбоев узоқ йиллардан бундан диспансерда фаолият кўрсатиб келаётган шифокорлардир. Утган йилларда давмида улар қанча дардманларга шифо ато этишмади, дейсиз. Шифохонада яратилган соғлом икхтимой муҳит, тиббиёт ходимлари учун ҳам, беморлар учун ҳам эътибор ва ғамхўрлик ҳар қанчондан яхшиланганлиги касалхона нуфузини, шифокорларнинг сало-

ҳиятини янада оширди. Айниқса, мунгайбгина қолган диспансер биносида кенг қўламада таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилганлиги аҳолининг қўвонига сабаб бўлди. Шифоконга Мингбулоқ тумани ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар мадади билан тубдан таъмирланди. Жамoa аъзолари эса 3000 тўлдан зиёд терак, арча қўчатлари, 250 тўл қўрма, ёнқоқ, ўрик ва олма нисолларни ўтказишди. Эндилкидан бу ерда анвойи гулларнинг 30 хилдан ортик тури, жумладан, нилуфар ҳам мавжуд. Ҳатто мева ва савзавот маҳсулотларини бозордан харид қилишга ҳам эҳтиёж қолмади.

Дарове, соҳада ўтказилаётган ишловотлар ушбу шифохонадаги тиббий хизмат сифати янада яхшиланшида муҳим омил бўлмоқда. Маълумотларга қўра, вилоят бўйича мавжуд 615 жойнинг 170 таси мазкур диспансер ҳиссасига тўри келадди. Беморларнинг қарийб ярми қўшни шаҳар ва туманлардан келганларни ташкил этаётгани бу жамoa хизмати кўпчилиққа манзур бўлаётганлиқдан далолатдир. Шу нарса тадиққатга сазоворки, муассасада тиббиёт ходимларининг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашувлари сабаб касаллиқни эрта анқиллаш ва даволаш ишлари йилдан-йилга яхшиланиб борапти. Жумладан, 2007 йили 109 нафар бемор профилактика жараёнида анқилангани боис уларни даволаш осонлашди. — Тумандаги қишлоқ врачлик пунктлари билан узвий ҳамкорлик, аҳоли ўртасида тушултириш ишлари энгил йўлга қўйилгани, 12 нафар врач ва умуман, жамoaнинг 125 нафар аъзоси ўз биринчи чўқур англаган ҳолда иш юритаётгани муваффақиятларимиз омили бўлмоқда, —

дейди бош шифокор. — Қолаверса, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят силга қарши кураш диспансери, маҳаллий ҳокимият бизни қўллаб-қувватлаб турибди. Кейинги пайтда моддий-техник имкониятларимиз ҳам кенгайди — икхита таҳлиломнамиз замонавий ускуналар билан жиҳозланди, сўнгги нусхадаги микроскопга эга бўлдик.

Тиббий жамoaнинг касб маҳоратини ошириб боришига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, А. Раҳматуллаев Москвадаги халқаро конгрессда қатнашиб келди. Энди Қозғистонда ташкил этиладиган симпозиумга ҳозирланипти. Жорий йилнинг октябрь ойида Францияда «Соғлом ўлка» широри остида ўтказиладиган 39-Бутунжаҳон конференциясига ҳам таклиф этилган.

Бундай нуфузли анжуманларда иштирок этиш, энг аввало, жамoaнинг ютуғи. Ўзлаштириладиган таҳриба амалда қўллангилча, даволаш ишлари янада тақомиллашуви га ишонч ортади.

Қосимжон АКБАРОВ, журналист.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилиги ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ ҳўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас. «МАЗ» ва АМКОДОР ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КўРСАТИЛАДИ. Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

«PK TREXGORKA» ЁАЖ

- Ўзи ишлаб чиқарган том қопламаларини (рубероидни) сотади.
• Ўз махсулотидан томларни юмшоқ қоплама билан қоплайди ва таъмирлайди.
• Қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Махсулот сертификатланган. NSS UZ. 01.143.0513752 245-10-32, 245-11-72, 245-11-82

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касбаба уюшма қўмитаси Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, доцент Бахтиёр Усмонова синглиси Дўлобар УБАЙДУЛЛАЕВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

BERCANYE МИР обоев Российский линолеум Тел. 234-48-11 Факс 234-49-58 Товар сертифицирован. Форма оплаты — любая.

FUJITSU COMPUTERS SIEMENS Yonex-goro tekhnika! NURON "Всемирная гарантия до 3-х лет" Серверы и компьютеры для решения любых задач, а также широкий выбор ноутбуков от бюджетных до ЭЛИТНЫХ! Сделано в Германии

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 37080 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибиат 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. —Тижорат материалли «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.30 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6 7 8

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — О. Файзиёв. Мусоҳиҳ — Ш. Машраббоев.